

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САЛАХОДЖАЕВ РАУФХОН ФАРХОДХОНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАБИИЙ-ИҚЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА  
ИНСОН ВА ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИНГ РОЛИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
автореферати  
ПРЕЗЕНТАЦИЯСИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати  
презентацияси мундарижаси**

**Оглавление презентации автореферата доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of the Presentation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economics Sciences**

**Салаходжаев Рауфхон Фарходхонович**

Қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим ресурсларини бошқариш ва  
улардан оқилона фойдаланишда инсон ва ижтимоий капиталнинг  
роли ..... 3

**Салаходжаев Рауфхон Фарходхонович**

Роль человеческого и социального капитала в управлении и  
рациональном использовании природно-климатическими ресурсами  
в сельском хозяйстве..... 21

**Salakhodjaev Raufxon Farhodxonovich**

The role of human and social capital in management and rational use of  
natural and climate resources in agriculture..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works ..... 41

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САЛАХОДЖАЕВ РАУФХОН ФАРХОДХОНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАБИИЙ-ИҚЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА  
ИНСОН ВА ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИНГ РОЛИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
автореферати  
ПРЕЗЕНТАЦИЯСИ**

**Тошкент – 2021**

Автореферат презентацияси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ўктам Пардаевич Умурзаков,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рустамова Ирода Бахрамжановна,**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Таджиев Абдусаме Абдухамидович,**  
иктисодиёт фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**

Ҳимоя Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03./30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_17\_” \_02\_ соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79; e-mail: admin@tiame.uz

Автореферат презентацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.

Автореферат презентацияси 2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Н.С. Хушматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Ф. Султанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошиги, иктисодиёт фанлари доктори

**Н.С. Хушматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ

**Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида табиий ва техноген омилларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини мураккаблаштирамоқда. Жумладан ички ҳамда халқаро миграция жараёнларининг кучайишига олиб келди, хусусан 2019 йилда жаҳоннинг 145 мамлакати ва ҳудудларида аҳолининг мамлакат ичида кўчишларининг 74,5 фоизи табиий офатлар туфайли юз берди, яъни 24,9 млн. киши ушбу сабабдан ўз уйлари тарк этишга мажбур бўлдилар<sup>1</sup>. Шунингдек, кейинги 40 йилда сайёрамизда ҳайдаладиган ерларнинг тахминан 33 фоизи йўқотилди. Ушбу муаммолар, биринчи навбатда кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳолатига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги ва вайрон бўлган экотизимларни тиклаш ҳажмини кўпайтириш мақсадида 2021-2030 йилларни “Экотизимларни тиклаш ўн йиллиги” деб эълон қилинди.

Антропоген омиллар глобал иқлим ўзгаришларини юзага келтирувчи асосий омил ҳисобланиб, халқаро экспертлар томонидан ушбу омил таъсирида ер юзида 120 млн. аҳолининг қашшоқлик даражасига тушиб қолиши мумкин<sup>2</sup>лиги эътироф этилмоқда. Ушбу муаммонинг реал иқтисодийнинг бошқа соҳа ва тармоқларидагидан фарқли равишда табиий омиллар таъсирига мойил бўлган ҳамда ишлаб чиқариш асосини ер-сув ресурслари ташкил қилган қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига сезиларли таъсир этмоқда. Шу боис, дунё олимлари томонидан умумий бойликни сақлашнинг асосий ғояси саналган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро алоқадорликда ҳамда тизимли ёндашув асосида ўрганиш, шунингдек аҳолининг глобал исиш ёки иқлим ўзгаришидан хабардорлигининг атроф-муҳит муҳофазаси самарадорлигига таъсирини тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотларга кенг урғу берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган, яъни экинларни диверсификация қилиш, ресурстежамкор техника ва технологиялардан фойдаланиш, мураккаб мелиоратив ҳолатда бўлган ҳудудларда янги интенсив боғларни барпо қилиш, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган экологик хавфсиз усулларида комплекс фойдаланиш каби чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий стратегиянинг асоси сифатида эса “иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ҳодисаларининг таваккалчилигидан эрта огоҳлантириш бўйича хабардорлиги, маълумотларнинг

<sup>1</sup> <http://www.internal-displacement.org/global-report/grid2020/>

<sup>2</sup> <https://www.ohchr.org/EN/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=24735>

тарқатилишини ҳамда имкониятларини яхшилаш”<sup>3</sup> вазифалари белгилаб олинди. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим ресурсларидан фойдаланишда ижтимоий ва инсон капиталининг таъсир даражаларини баҳолаш бўйича илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 30 ноябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро илмий адабиётларда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг табиий-иқлим индикаторларига таъсири, мамлакатлараро қиёслаш асосида экологик ўзгаришларни моделлаш бўйича турли назарий моделлар ва методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган. Sternetal (1996 й.), Panayutou (1993 й.), Fredrikssonand Neumayer (2013 й.), Winslow (2005 й.), Hanetal (2014 й.), Dinda (2004 й.)<sup>4</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори//lex.uz/docs/-4013356.

<sup>4</sup> Stern, D. I., Common, M. S., & Barbier, E. B. (1996). Economic growth and environmental degradation: the environmental Kuznets curve and sustainable development. *World development*, 24(7), 1151-1160.; Panayotou, T. (1993). *Empirical tests and policy analysis of environmental degradation at different stages of economic development* (No. 992927783402676). International Labour Organization; Fredriksson, P. G., & Neumayer, E. (2013). Democracy and climate change policies: Is history important? *Ecological Economics*, 95, 11-19.; Winslow, M. (2005). Is democracy good for the environment? *Journal of Environmental Planning and Management*, 48(5), 771-783; Han, L., Zhou, W., Li, W., & Li, L. (2014). Impact of urbanization level on urban air quality: A case of fine particles (PM<sub>2.5</sub>) in Chinese cities. *Environmental Pollution*, 194, 163-170; Dinda, S. (2004). Environmental Kuznets curve hypothesis: a survey. *Ecological economics*, 49(4), 431-455.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида аграр иқтисодчи-олимлар, жумладан А.В.Чугункова, А.И.Пыжев, Б.Н.Порфирьев, К.В.Матцов, С.А.Рогинко<sup>5</sup> ва бошқалар томонидан ижтимоий-иқтисодий индикаторлар ва табиий-иқлим ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро алоқалар модели яратилган. Аммо эконометрик моделлар контекстида ижтимоий ва инсон капитали омилларини ҳисобга олиш масалаларига илмий тадқиқотлар доирасида етарли даражада эътибор қаратилмаган. Бу ҳолат мазкур тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Фарғона водийсида фермер хўжаликларини иқлим ўзгариши хатарига мослашиши ва барқарор ривожлантириш” халқаро лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ижтимоий ва инсон капитали омилларининг табиий-иқлим ўзгаришига таъсирини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва экотизимлар барқарорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида ижтимоий капитал индикаторларидан бири индивидуализмнинг табиий ресурсларни бошқариш жараёнига ижобий таъсирини асослаш;

аҳоли жон бошига ўрмон майдонлари ўзгариши ва аҳоли жон бошига ЯИМ, мамлакатнинг савдо очиклиги, демократия индексининг таъсирини инобатга олган ҳолда эконометрик модель ишлаб чиқиш;

ижтимоий капитал ва ўрмон ресурсларини бошқариш ўртасидаги ҳамда когнитив қобилиятлар, демократия ва иқлимга оид қонунлар, институтлар ва чоралар индекси (CLIMI) ўртасидаги ўзаро алоқаларни эмпирик таҳлил қилиш;

ижтимоий ва инсон капитали сифатини ошириш ҳисобига экотизимни барқарор ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида антропоген омиллар туфайли юз бераётган глобал табиий-иқлим ўзгаришларининг экотизимга таъсири билан боғлиқ муаммолар мажмуи танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ижтимоий ва инсон капитали кўрсаткичлари ҳамда табиий-иқлим ва экологик индикаторлар ўртасидаги макроиқтисодий даражадаги ўзаро алоқалар натижасида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

---

<sup>5</sup> Чугункова А.В., Пыжев А.И., Пыжева Ю.И. Влияние глобального изменения климата на экономику лесного и сельского хозяйства: риски и возможности // Актуальные проблемы экономики и права. 2018. №3. С. 523-537; Порфирьев Б.Н., Катцов В.М., Рогинко С.А. Изменения климата и международная безопасность. Рос.акад.наук, Отд-ние обществ.наук. Москва: Д'АРТ, 2011. – 290 с.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда статистик гуруҳлаш, абстракт фикрлаш, индукция ва дедукция, синтез, социологик сўровнома, иқтисодий-математик моделлаштириш, эмпирик тест каби усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ижтимоий капитал (“сабрлилик”, “индивидуализм”, “миллий ишонч”) ва ўрмон майдонлари ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги барқарор ижобий ўзаро боғлиқлик назарий ва эмпирик жиҳатдан асосланган;

инсон капитали, ЯИМ, демократлашув, урбанизация, иқтисодиёт тузилмасининг ўзгариши ва глобаллашув таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрмон ресурсларининг ўзгариши омилларини изоҳловчи эконометрик модель таклиф этилган;

инсон капитали ҳамда инсон саломатлиги ва экотизимни экологик зарардан муҳофазалаш кўрсаткичларининг ўзаро таъсиридан келиб чиқиб, экологик барқарорликни белгилаб берувчи омиллар аниқланган;

демографик юклама ва глобаллашувнинг атроф-муҳит сифатига таъсирини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан фойдаланишни мақбуллаштиришнинг сценарий вариантлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли мамлакатларда когнитив қобилиятлар ва экологик кадриятларнинг ўзаро алоқадорлигини қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрмон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

инсон капитали ҳамда Экологик натижавийлик индекси (ЕPI)нинг ўзаро алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг экологик билимларини ошириш, глобаллашув имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда демографик юкломанинг салбий таъсирини юмшатиш асосида экологик барқарорликни таъминлаш бўйича тавсиялар берилган;

ижтимоий ва инсон капиталининг сифат кўрсаткичларини ошириш ҳисобига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш индикаторлари ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш бўйича таклифлар асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши натижаларининг ишончлилиги таниқли хоҳижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг ижтимоий ва инсон капиталини табиий-иқлим ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини баҳолаш хусусидаги илмий-назарий қарашлари, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, Жаҳон Банки, БМТ, шунингдек бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар маълумотларидан фойдаланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобал иқлим ўзгаришлари шароитида қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим ресурсларини самарали бошқаришнинг иқтисодий-экологик жиҳатларининг асосланганлиги, инсон ва ижтимоий капиталнинг



табiiй-иклим ресурсларига таъсир даражасини баҳолаш методикасини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти когнитив қобилиятлар ва экологик кадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида ўрмон ресурсларини самарали бошқариш ҳамда экологик билимларни оширишга, жумладан миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришишга ҳамда табiiй-иклим ўзгаришлари оқибатларини камайтиришга қаратилган махсус концепциялар, мақсадли дастурлар, “Йўл хариталари” ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шунингдек, Олий ўқув юртлари тегишли таълим йўналишининг ўқув жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигида табiiй-иклим ресурсларини бошқариш ва ундан оқилона фойдаланишда инсон ва ижтимоий капиталнинг ролини ошириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар асосида:

ижтимоий капитал ва ўрмон қопламли майдонлар ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги барқарор ижобий ўзаро боғлиқлик юзасидан ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 18 январь 04/21-167-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида индивидуализм индексини 22 фоизга ошириш ўрмон майдонлари тикланишини 0,66 фоизга тезлашишига олиб келиши тасдиқланган.

инсон капитали, ЯИМ, демократлашув, урбанизация, иқтисодиёт тузилмасининг ўзгариши ва глобаллашув таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрмон ресурсларининг ўзгариши бўйича ишлаб чиқилган модели Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 18 январь 04/21-167-сон маълумотномаси). Таклиф этилган эмпирик модель асосида инсон капиталининг ўзгариши (+46 балл) ўрмон майдонлари ҳажми ўсиш суръатининг 1,2 фоизга ошириш имкониятини яратиши асосланган.

инсон капитали омилларининг табiiй-иклим ўзгаришларига таъсирини баҳолаш бўйича услубий ёндашуви Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 18 январь 04/21-167-сон маълумотномаси). Ушбу орқали когнитив қобилиятлар индекси 1 фоиз даражасида ижобий ва статистик аҳамиятга эга омил эканлиги, инсон капитали индексининг 10-11 баллга ўсиши аҳолини иқлим ўзгаришидан хабардорлигини ўртача 19 фоизга ўсишига олиб келиши асосланган.

демографик юклама ортаётганлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида табiiй ресурслардан фойдаланишни мақбуллаштириш, атроф-муҳит учун зарар келтирмай ялпи ишлаб чиқаришни ошириш имконини берувчи инновацион технологияларни жорий этиш бўйича таклифлари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 февраль 04-02/8-515-сон маълумотномаси). Бунда қишлоқ хўжалигида демографик юкламага мутаносиб табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек атроф-муҳитга таъсир этмайдиган ишлаб чиқариш тизимини шакллантирувчи инновацион технологияларни жорий этиш режасини ишлаб чиқиш имкониятини яратган.

**Тадқиқотлар натижаларининг эълон қилиниши.** Илмий ишлар натижалари бўйича Scopus ва Web of Science илғор илмий журналларида 8 та илмий мақола нашр этилган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**“Индивидуализм ва умумий бойликни бошқариш”** номли биринчи мақолада ижтимоий капитал индикаторларидан бири сифатида индивидуализм жамиятга умумий бойлик фожеасини ҳал этишга ва миллий миқёсда ўрмон ресурсларини янада самаралироқ бошқаришга ёрдам бера олиши назарий ва эмпирик жиҳатдан асослаб берилган. Мақолада илгари сурилган назарияга кўра, индивидуалистик маданият мулкка эгалик ҳуқуқи соҳасидаги тадбиркорликни рағбатлантириб, умумий бойликни бошқаришни яхшилайти ва иккита таркибий қисмга эга бўлади: биринчиси – индивидуал ташаббус, умумий бойлик муаммосини ҳал қилиш қадриятини кўра билиш, мулкка эгалик ҳуқуқининг сиёсий эътирофини таъминлаш учун ресурсларни инвестициялашга тайёрлик. Иккинчиси – индивидуализм табиий ресурсларни янада самаралироқ ҳимоя қилишни рағбатлантиради.

Бажарилган эмпирик таҳлил ушбу назарияни тасдиқлайди. Биринчидан, мақолада индивидуалистик қадриятлар субъектив кўрсаткичи ва ўрмонларнинг қайта тикланиши ўртасида мустақам ижобий боғлиқлик борлигининг далиллари келтирилади. Регрессия натижалари шундан далолат берадики, индивидуализм ўрмон ресурсларини бошқаришни яхшилайти. Индивидуализм кўрсаткичи ўрмон ресурсларини бошқаришдаги мамлакатлараро фарқларнинг 15 фоизини изоҳлайди. Жумладан, индивидуализм индекси 22 фоизга ўсса, ўрмоннинг тикланиши 0,66 фоизга тезлашади. Қолаверса, мақолада ўрмон майдонлари учун Кузнец экологик эгри чизиги мавжудлиги исботланди, чунки аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўрмон майдони билан параболик ўзаро алоқаси мавжуд. Бинобарин, индивидуализм кўпроқ ривожланган жамиятлар ҳукуматнинг хусусийлаштириш ва либерализация йўли билан умумий бойлик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган сиёсатини қонуний деб кўришлари эҳтимоли каттароқ. Бу табиий ресурсларни бошқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Жамоавийликка асосланган маданиятлар эса, ҳатто бу фойда келтириши мумкин бўладиган ҳолда ҳам, унга қарши чиқишлари мумкин. Индивидуализм ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашини ҳам кучайтириши мумкин,


Бу, ўз навбатида, мулкка эгалик ҳуқуқига содиқликка ишончни оширади. Мулкка эгалик ҳуқуқлари борасидаги доимий мажбуриятларга ишонч уларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади ва умумий бойликни бошқаришни яхшилайти.

**“Ишонч ва ўрмонлар йўқолиши: мамлакатлараро қиёслаш”** номли иккинчи мақолада ижтимоий капиталнинг муқобил омили – миллий ишонч даражаси ҳамда мамлакат ўрмон майдонлари ўзгаришлар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрганилган. Ўрмонларни бошқаришнинг иқтисодий жиҳати уй хўжаликлари ва жамоалар даражасидаги ўрмон капиталдан фойдаланиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий омилларни ўз ичига олади. Бу тадқиқотлар йўллар сонининг ортиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши каби омилларни дарахтлар кесилиши кўламнининг кенгайиши билан боғлайди (Ангелсен ва Каймовиц, 1999; Хосонума ва бошқ., 2012). Ўрмонлар йўқолишининг иқтисодий омилларини мамлакатлараро тадқиқ қилиш ўрмонлардан фойдаланишда иқтисодий ривожланиш қандай роль ўйнаши таҳлилини, жумладан бой мамлакатлар катта эҳтимол билан ўрмонлар сақланишига инвестиция киритадиган босқични ўз ичига олади. (Бхаттарай ва Хаммиг, 2001). Ўрмонларнинг иқтисодий таҳлили ҳам ўрмон ресурсларини тартибга солувчи ерга эгалик режимлари ҳамда ўрмонларни сақлаб қолиш ўртасидаги алоқага алоҳида эътибор беради (Алстон ва бошқ., 1999; Бромли, 1991; Этонго ва бошқ., 2015; Остром, 1990; Шлягер ва Остром, 1992). Мулкчилик институтларининг юзага келиши – хусусий мулкчилик бўладими, давлат мулкими ёки биргаликдаги мулкми – ўрмон ресурсларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланишнинг ташқи оқибатларини янада синчиклаб кўриб чиқишга рағбатлантиради. Ўрмон хўжалигини бошқаришнинг ижтимоий жиҳати ресурслардан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи алоҳида шахслар ва жамоаларнинг характеристикасини ўз ичига олади. Инсонлар жамоавий чақириқларга, масалан ўзаро ишонч даражасига муносабат билдира олишга таъсир кўрсата оладиган усулларга қараб фарқланади. Шу билан бирга, ишончнинг ижтимоий капитал сифатидаги роли илмий адабиётда ўз эмпирик тасдиғини топмаган.

Бу мақоланинг асосий хиссаси ўрмонлар йўқолишининг ижтимоий жиҳатини ўрганувчи адабиётни тўлдиришдан иборат. Жумладан, мақолада ўрмонлар йўқолишида ишончнинг роли таъкидлаб кўрсатилади. Ижтимоий капитал бўйича адабиётда ишонч ижтимоий капиталнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида кўрилади. Бундан ташқари, ўрмон хўжалигини бошқариш бўйича тадқиқотлар, айрим ҳолларда, ижтимоий капитални ишонч ўлароқ ишга соладилар (Гильен ва бошқ., 2015). Шу сабабли, ишончни ўрмонлар йўқолиши билан назарий жиҳатдан боғлаш, шунингдек унинг ўрмонлар йўқолиши билан эмпирик алоқасини баҳолаш ниҳоятда муҳим саналади. Юқорида ишонч даражасига эга жамият ўрмон ресурсларини самаралироқ бошқаради, деган гипотезамизни баҳолаш учун биз кўп сонли мамлакатлардан олинган маълумотлардан фойдаланамиз, бу, шунингдек, бизга

Ўрмонлар йўқолишининг қатор бошқа омилларини назорат қилиш имконини ҳам беради.

Мақолада биринчи марта 1990-2015 йй. оралиғида 92 та давлат сараланмасида ижтимоий капитал ва ўрмон ресурсларини бошқариш ўртасида эмпирик таҳлил ўтказилди. Боғлиқ ўзгарувчи сифатида аҳоли жон бошига ўрмон қопламидаги ўзгаришдан фойдаланилди. Ўзаро алоқани таҳлил қилиш учун аҳоли жон бошига ЯИМ, мамлакатнинг савдо очиклиги ва демократия индекси каби қатор ижтимоий-иқтисодий индикаторлар таъсири инобатга олинган эконометрик модель баҳоланди. Эконометрик модель барқарор стандарт хатолар билан энг кичик квадратлар услуби ёрдамида баҳоланди.



**1-расм. Ишонч даражаси ва ўрмон қоплами ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик скаттер-диаграммаси**

Эконометрик таҳлил натижалари мамлакатлар ўртасида ишонч (ижтимоий капитал) ва ўрмон қопламини бошқариш динамикасининг ўзаро ижобий алоқаси тўғрисидаги гипотезани тасдиқлайди (1-расм). Жумладан, ишонч даражаси 1 стандарт четланишга ортса, ўрмоннинг тикланиши 0,32 фоиз бандига тезлашади. Бундан ташқари, мақолада мамлакатнинг ривожланиш даражаси ва ўрмон ресурсларини бошқариш ўртасидаги параметрик ўзаро алоқа тасдиқланди (1-жадвал).

## 1- жадвал. Асосий натижалар

	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)
Ишонч	2.239** (1.029)	2.234** (1.016)	2.346** (0.978)	2.697** (1.196)	2.797** (1.216)
Ўрмон капитали		-0.049 (0.071)	0.002 (0.076)	-0.085 (0.083)	-0.175** (0.087)
Савдо/ЯИМ			0.008 (0.007)	0.007 (0.005)	0.007 (0.005)
ЯИМ				0.415*** (0.111)	0.294** (0.114)
ЯИМ <sup>2</sup>				-0.022*** (0.006)	-0.018*** (0.006)
ЯИМ <sup>3</sup>				0.000*** (0.000)	0.000*** (0.000)
Демократлашув					0.285*** (0.094)
Константа	-1.525*** (0.367)	-1.813*** (0.580)	-2.084*** (0.700)	-3.923*** (0.809)	-3.033*** (0.883)
N	94	94	92	92	92
adj. R <sup>2</sup>	0.022	0.014	0.038	0.155	0.199


**Изоҳ:** Қавсларда – стандарт хатолар; \* p<0.1, \*\* p<0.05, \*\*\* p<0.01

“Сабр ва иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатиш” деб номланган учинчи мақолада жамиятнинг сабрлилиги даражаси (ижтимоий капиталнинг учинчи индикатори) ва миллий миқёсда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ўртасидаги ўзаро алоқа асосланган. Хардинга кўра (1968), аҳолининг ҳаддан ортиқ кўпайиши муқаррар равишда жамоалар фожеасига олиб келади. Кейинги тадқиқотлар кўрсатишича, мулкка эгалик ҳуқуқининг яратилиши яйловлар, соҳилбўйи балиқчилиги, нефть ва газ резервуарлари ва ўрмонлар каби турли кўринишдаги ресурслар билан боғлиқ умумий келишмовчиликнинг олдини олиши мумкин (Либекап, 1989; Остром, 1990). Иқлим ўзгариши қишлоқ ва ўрмон хўжалиқларига, океаннинг денгиз ҳаётига, бошқариб бўлмайдиган экотизимларга, инсон ўлимига, энергия истеъмоли ва сув ресурсларига бевосита таъсир кўрсатади (Хог-Галдберг и Бруно, 2010; Тол, 2002). Бу ўзгаришлар иқтисодий ривожланиш, биохилма-хилликнинг йирик кўламда йўқотилиши ва мамлакатлар ичида ҳамда улар ўртасида зўравонлик можароларига билвосита таъсир кўрсатади (Тол, 2009; Тол ва Вагнер, 2010).

Ушбу мақолада жамиятнинг сабрлилиги иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга қандай таъсир кўрсатиши кўриб чиқилади. Ушбу ижтимоий-экологик тизимли ёндашувнинг асосий ғояси умумий бойликнинг глобал муаммолари мураккаб сабабларга эга эканлигига асосланади (МакГиннис ва Остром, 2014; Остром, 2009). Ишонч ва ижтимоий капитал каби ижтимоий институтлар юзага келган муаммоларни ҳал қилиш бўйича жамоавий ҳаракатлар истиқболига таъсир кўрсатади (Кай ва бошқ., 2019; Любелл, 2013; Остром ва Ан, 2009). Мақоланинг асосий гипотезаси бутун жамиятнинг

сабрлилиги иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга қаратилган сиёсатни миллий қўллаб-қувватлашни кучайтиришидан иборат. Мақолада ушбу сабрлилик иссиқхона газлари ташламаларига қарши курашишга оид сиёсат қабул қилиниши даражасини оширишининг иккита механизми ажратиб кўрсатилади. Биринчидан, агар жамият ифлосланиш оқибатлари юмшашидан олинадиган узоқ муддатли фойда учун қисқа муддатли чиқимларни қабул қилишга тайёр бўлса, натижада иқтисодий ривожланишнинг юқорироқ даражасига эришилади. Иккинчи механизм иқлим ўзгаришларига қарши кураш бўйича давлат сиёсати билан боғлиқ ҳуқуқий институтларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришдан иборат.

Мақолада сабрлилик индекси иқлим ўзгаришларига қарши курашиш борасидаги қонунчилик сифати индекси билан ижобий ўзаро боғлиқликка эгаллиги кўрсатилган (2-расм). Жумладан, сабрлилик даражаси ўртача дунё қийматларидан 0,4 балл (1 стандарт четланиш) юқорироқ бўлган мамлакатларда иқлимга оид қонунчилик сифати 5 баллга ортади. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси юқорироқ ва иқтисодиёт эркинлиги кенгроқ мамлакатлар иқлим ўзгаришлари оқибатларига қарши курашни тартибга солувчи сифатлироқ қонунчиликка эга эканликлари исботланган. Бу натижалар энг кичик квадратлар ва барқарор регрессия услублари билан эконометрик моделларни баҳолаш ёрдамида олинди.



2- расм. Иқлим ўзгаришларига қарши курашга оид қонунчилик индекси

**“Иқлим ўзгариши соҳасидаги сиёсат: демократия ва ижтимоий когнитив капитал роли”** номли тўртинчи мақолада олдинга сари яна бир қадам ташланади ва демократия ҳамда когнитив капитал атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги халқаро мажбуриятларга муҳим таъсир кўрсатиши таъкидланади.

Жамоатчиликнинг экологик муаммолар тўғрисидаги хабардорлиги ўсиб, Киото протоколи ратификация қилиниши жараёни кетидан, қатор тадқиқотлар

“демократик режимга эга мамлакатлар, нодемократик мамлакатларга қараганда, атроф-муҳит муҳофазасига кучлироқ халқаро содиқлик намоён этмоқдаларми?” деган саволга жавоб беришга уриндилар (Neumayer, 2002; Frederiksson ва ҳаммуал., 2005; Obydenkova ва бошқ., 2016; Frederiksson и Neumayer, 2013). Бироқ, бу янги тадқиқотларда келтирилган хулосалар ва факт-маълумотлар, аввалгидек, демократия таъсири ва атроф-муҳит муҳофазаси борасида ягона фикрни ифодаламади. Бу мақола ушбу шаклланиб бораётган тадқиқотларга когнитив ижтимоий жиҳатни киритиш орқали ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган, зеро авваллари миллий миқёсдаги когнитив кўникмалар иқлим ўзгариши соҳасидаги сиёсатни эмпирик моделлаштиришда эътибордан четда қоларди. Gottfredson (1997), р. 13 да келтирилган таърифга кўра, “[когнитив қобилият] – бу умумий қобилият бўлиб, у, жумладан, тафаккур қилиш, режалаштириш, муаммоларни ҳал қилиш, абстракт фикрлаш, мураккаб ғояларни тушунишни ўз ичига олади ... [ва] у атроф-муҳитни тушунишга бўлган кенгроқ ва чуқурроқ қобилиятни акс эттиради”. Мамлакатлараро миқёсда когнитив қобилиятлар иқтисодий ўсиш ва институтлар, шунингдек аҳолининг экологик хабардорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Мақолада 94 та мамлакатдан иборат сараланма асосида когнитив қобилиятлар, демократия ҳамда иқлимга оид қонунлар, институтлар ва чоралар индекси (CLIMI) ўртасидаги ўзаро алоқа таҳлил қилинган. Тадқиқот кўрсатишича, демократик институтлар, аҳолининг когнитив қобилияти каби, халқаро миқёсда иқлим ўзгариши соҳасидаги сиёсатга ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу гипотезани синовдан ўтказиш учун учта математик услубдан фойдаланувчи эконометрик модель баҳоланган: энг кичик квадратлар услуби, ўртача тортилган энг кичик квадратлар услуби ва барқарор регрессия услуби. Натижалар когнитив (инсон) капитали ва иқлим ўзгариши соҳасидаги қонунчилик ўртасида юқори боғлиқлик мавжудлигига далолат қилади:  $r = 0,71$ . Қолаверса, инсон капитали индексининг 10 балга ўсиши CLIMI индексининг 16 балга ўсишига мувофиқ келади. Инсон когнитив капитали CLIMI индексидagi мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг 51 фоизини бевосита ва билвосита изоҳлайди. Бундан ташқари, мақолада демократия индексининг 1 балга ўсиши CLIMI индексининг 5 балга ўсиши билан рўй бериши кўрсатилган.


**“Когнитив қобилиятлар ва экологик хабардорлик ўртасида ўзаро алоқа мавжудми? Мамлакатлараро тадқиқот натижалари”** номли бешинчи мақолада когнитив қобилиятлар (инсон капитали) ва экологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро эконометрик алоқани янада чуқурроқ ўрганиш йўли билан мавжуд илмий адабиётга ҳисса қўшилади. Жумладан, мақолада таъкидланишича, тегишли илмий адабиётнинг камчилиги унда фақат қатъий

экологик натижавийлик кўрсаткичларига эътибор берилиб, когнитив қобилиятлар ва миллий экологик кадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқа ҳисобга олинмаслигидан иборат. Мазкур тадқиқотда эса, когнитив қобилиятлар, табиий-иқлим кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқликдан ташқари, психологик концепция ўлароқ, аҳолида намоён бўлувчи атроф-муҳит ҳақида қайғуриш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, бинобарин, у экологик деградация билан билвосита алоқадордир. Экологик деградацияни ўрганиш қишлоқ хўжалиги экологиясининг муҳим йўналиши саналади, чунки табиий-иқлим ўзгаришлари камбағаллик ўсишига ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади.

Бинобарин, бу турли мамлакатлардаги когнитив қобилиятлар ва экологик кадриятлар ўртасидаги, аҳолининг қанча қисми глобал иссиқ ёки иқлим ўзгариши ҳақида хабардорлиги билан ўлчанувчи ўзаро алоқа тадқиқ қилинган илк мақола саналади. Когнитив қобилиятлари юқорироқ мамлакатлар жамиятлари, катта эҳтимол билан, глобал иқлим ўзгариши ҳақида хабардор эканлиги фойдасига бир неча аргумент мавжуд. Биринчидан, когнитив (инсон) капитал ўсиши билан, самарали ва ҳисобдор институтлар пайдо бўлиши эҳтимоли катта (Kanyama, 2014). Бу муассасалар матбуотнинг ривожланиши, экологик муҳит сифати ва либерализацияни қўллаб-қувватлаб, жамиятни мавжуд экологик муаммолар тўғрисида хабардор қиладилар (Rindermann, 2008). Қолаверса, самарали фаолият юритувчи институтлар иқтисодий агентларни оқилона ҳаракат қилишга ундайди, бу эса табиий-иқлим капиталидан самарали фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатади, масалан, ҳавонинг ифлосланиши ёки дарахтлар кесилиши қисқаради (Salahodjaev, 2015). Инсон капитали юқорироқ бўлган жамиятлар атроф-муҳитга нисбатан кўпроқ ғамхўр бўладилар ва сабрлироқдирлар (Jones and Podemski, 2010), шунингдек “қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатли фойда олишга йўналтирилган танловни амалга ошириш”га мойилдирлар (Squalli, 2014, стр. 34).

Мақолада аниқланишича, когнитив қобилиятлар индекси иқтисодий регрессияда 1 фоиз даражасида ижобий ва статистик аҳамиятга эга омилдир. Ушбу натижаларнинг миқдорий қийматлари инсон капитали индексининг 10-11 баллга ўсиши аҳолининг иқлим ўзгаришидан хабардорлигининг тахминан 19 фоизга ўсиши билан бирга кечади (3-расм).





*ЯИМ / Жамиятнинг хабардорлиги / Демократлашув / Инсон капитали*

**3-расм. Инсон капитали, ЯИМ, демократлашув ва жамиятнинг хабардорлиги ўртасидаги стандартлаштирилган коэффицентлар. \*\*\* - статистик аҳамиятга эгалик 1%лик даражада.**

Қолаверса, бу хусусият когнитив қобилиятларнинг атроф-муҳит муҳофазасига ижобий таъсирининг, 71 фоизлик келишувнинг тўғриланган даражаси билан ишончли далилини таклиф этади.

**“Когнитив интеллектуал капитал ва ўрмонларнинг йўқолиши”** номли олтинчи мақоладан кўзланган мақсад когнитив (инсон) капиталнинг ролини ўрганиш орқали ўрмон ресурсларини бошқариш детерминантлари тўғрисидаги тегишли адабиётга ҳисса қўшишдан иборат. Ўрмонларни кесиш – халқаро миқёсда атроф-муҳит трансформациясининг энг муҳим жиҳатидир. Масалан, Nabuurs et al. (2007) ўрмонлар йўқолишини иссиқхона газлари юзага келишининг асосий манбаи деб атайди. Ҳақиқатан, ўрмонлар йўқолишининг экологик жиҳати биохилма-хиллик бой берилиши, тупроқ эрозияси ва сув босиши билан бевосита боғлиқ. (Fearnside, 2005; Kanninen et al., 2007). Табиийки, ўрмонлар йўқолишининг юқори суръатлари жамият учун жиддий оқибатларга эга, чунки улар камбағаллик, жиноятчилик ва мажбурий миграция билан ўзаро алоқадордир (Black, 1994).

Мақолада ўрмон ресурслари ўзгариши омилларини моделловчи янгича эконометрик регрессия қурилган бўлиб, у инсон капитали, ЯИМ, демократлашув, урбанизация, иқтисодиёт тузилмасининг ўзгариши ва глобаллашув таъсирини ҳисобга олади. Корреляцион таҳлил инсон капитали сифати ва ўрмон қоплами қисқариши ўртасида салбий ўзаро алоқа борлигини кўрсатди:  $r = -0.35$  (2-жадвал). Эмпирик моделлаштириш натижасида, ўртача олганда инсон капиталининг максимал ўзгариши (+46 балл) ўрмон қопламининг ўсиш суръатининг 1,15 фоиз бандига ошиши аниқланди. Ушбу мақола натижалари кўрсатишича, агар институционал механизмлар экологик дастурларни амалга ошириш учун шакллантирилиши керак бўлса, когнитив қобилиятлар, ижтимоий ва инсон капиталининг энг муҳим индикаторларидан

бири сифатида, аҳоли томонидан ушбу институционал механизмлар маъқулланиши даражасига яхши баҳо беради.

## 2- жадвал. Регрессия параметрларини корреляциялаш матрицаси

	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
Deforestation	1.000							
Intelligence	-0.352	1.000						
Income	-0.316	0.554	1.000					
Democracy	0.126	-0.445	-0.385	1.000				
Urbanization	-0.361	0.626	0.631	-0.373	1.000			
Forest stock	0.222	0.050	-0.159	0.036	-0.054	1.000		
Service	-0.174	0.346	0.412	-0.551	0.405	-0.224	1.000	
KOF	-0.315	0.677	0.727	-0.539	-0.006	0.556	1.000	

**“Интеллектуал салоҳият ўсиши экологик барқарорликка олиб келадими? Эмпирик тест”** номли еттинчи мақолада инсон интеллектининг экологик барқарорликка таъсирини ўрганиш ва баҳолашга қаратилган бўлиб, ушбу тадқиқот жараёнида 2000-2014 йй. мобайнидаги 150 та мамлакатдан олинган маълумотлардан фойдаланилган.

Нега экологик барқарорлик бир мамлакатларда юқорида ва бошқаларида анча заиф? Бу азалий саволга илмий жавоблар вақт ўтган сайин кенгайиб борди. Аввалги тадқиқотлар даромадлар даражаси ва иқтисодий ўсишга бағишланганди. Кейинроқ тадқиқотчиларда аҳолининг ўсиши ва демографик босим аҳамияти таъкидланди. Охирги вақтларда ҳисоботлар глобаллашув, демократия ва институционал муҳит экологик барқарорликнинг ҳаракатга келтирувчи кучлари эканлигини таъкидлайдилар. Тадқиқотларнинг бошқа алоҳида йўналиши атроф-муҳит инсон психологияси билан ўзаро боғлиқ эканлигини аниқлади. Экологик барқарорликни таъминлашдаги инсон хатти-ҳаракатининг роли 1927 йилдаёқ эътироф этилган (Goldim, 2009) бўлса-да, экологик муаммоларда халқаро фарқларни тадқиқот қилишга уринаётган тадқиқотларда қатор услубий муаммолар мавжуд. Биринчидан, яқин-яқингача атроф-муҳит сифатини баҳолашнинг универсал мезони мавжуд эмасди. Аксарият тадқиқотларда экологик барқарорлик кўрсаткичлари сифатида ўрмонлар йўқолиши суръатлари, экологик из ёки иссиқхона газлари ташламасидан фойдаланилади. Бу индикаторлардан фойдаланилишига қарамай, кўп ҳолларда, табиий-иқлим ўзгаришларининг кўп қиррали эканлиги туфайли, ушбу ўзгарувчилар қониқарсиз мезонлар бўлиб келдилар.

Ушбу мақолада юқорида келтирилган иккита муаммо интеллектуал (когнитив) инсон капитали ҳамда яқинда ишлаб чиқилган Экологик натижавийлик индекси (EPI) ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш эвазига ҳал этилади. EPI – бу экологик барқарорликка эришишда ҳар томонлама тараққиётни баҳолаш учун таркибий индекс бўлиб, у бошқа аксарият кўрсаткичларнинг методологик камчиликларини бартараф этади ва ўзида сиёсатнинг икки асосий соҳаси: экологик зарардан инсон саломатлиги ва экотизимни муҳофазалашдаги 20 та суб-индикаторни бирлаштиради.

Эконометрик таҳлил натижалари кўрсатишича, когнитив кўникмалар индексининг 10 баллга ўсиши EPIнинг 12 баллга ўсиши билан бирга амалга

ошади. Қолаверса, инсон капитали ЕРІ кўрсаткичидаги халқаро ўзгаришларнинг 61 фоизини изоҳлайди. Ушбу таҳлилга ЯИМ омили киритилганда аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси, харид қобилияти паритети бўйича, 69770 халқаро долларидан юқори бўлган мамлакатларда ЕРІ кўрсаткичининг яхшиланиши кузатилади. Омилларнинг қўшимча таҳлили глобаллашув атроф-муҳит сифатини яхшилашини, демографик юклама эса, табиий-иқлим вазиятини ёмонлашувига олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий тизими контекстида бу ҳол демографик юклама ортганда табиий ресурсларни ишлатишни оптимизациялаш, шунингдек атроф-муҳит учун сезиларли зарар келтирмай ялпи ишлаб чиқаришни ошириш имконини берувчи инновацион технологияларни жорий этиш зарурлигини аниқлаштириши мумкин.

## ХУЛОСА

1. Ижтимоий капитал кўрсаткичи ўлароқ, ишонч даражаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий роль ўйнабгина қолмай, табиий ресурслар, масалан, ўрмон ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳам хизмат қилади.

2. Аграр иқтисодиётда табиий-иқлим ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш ижтимоий капитални тўплашни рағбатлантириш ҳисобига эришилиши мумкин, бу бозор таназуллари юзага келиши эҳтимолини минималлаштириш ва тармоқни тартибга солиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

3. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар сараланмасида бажарилган эконометрик таҳлил натижалари инсон капитали (когнитив қобилиятлар)нинг табиий ресурсларни янада самарали бошқаришда, жамиятнинг иқлим ўзгаришларидан хабардорлигини оширишда, шунингдек давлатнинг иқлим ўзгаришларига қарши курашиш сиёсатини қўллаб-қувватлашда аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди.

4. Инсон капитали индикатори каби когнитив кўникмалар иқтисодиётда табиий ресурсларни бошқаришга бевосита таъсир кўрсатиш баробарида, давлат институтлари сифатининг яхшиланиши ҳамда мамлакат иқтисодий ривожланиши даражасининг ортиши ҳисобига билвосита таъсир ҳам кўрсатади.

5. Ривожланган мамлакатларнинг табиий-иқлим ўзгаришларининг оқибатларига қарши курашишдаги тажрибаси кўрсатишича, маданий ўзига хосликлар, инсон капитали, шунингдек давлат институтлари сифатининг роли инобатга олиганда яхшироқ натижаларга эришилади. Энг оптимал натижаларга эришиш учун ислохотлар жараёни аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши талаб этилар экан, ижтимоий ва инсон капиталига инвестициялар узоқ муддатли ижобий самарага эришишга хизмат қилади.

6. Экологик ўзгаришларни моделлаштириш табиий-иқлим ўзгаришлари кўп қиррали эканлигини ҳисобга олувчи комплекс индикаторлардан фойдаланишни, шунингдек математик моделларга нафақат демографик ва иқтисодий кўрсаткичларни, балки ижтимоий ва инсон капитали омилларини ҳам киритишни талаб қилади.

7. Болалар соғлиғини сақлашга, шунингдек вояга етмаган болалар овқатланиши сифатига инвестициялар инсон капиталининг тўпланишига хизмат қилади, бу нафақат иқтисодий ривожланишга, балки иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат унумдорлиги ўсишига олиб келади, бинобарин, узоқ муддатли истиқболда табиий-иқлим ресурсларига юklamани камайтиради.

8. Ҳар бир илмий мақолада демография, иқтисодий ўзгаришлар, глобаллашув, давлат институтлари сифати, шунингдек ижтимоий ва инсон капитали ролини ҳисобга олувчи эконометрик модель ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.I.10.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**САЛАХОДЖАЕВ РАУФХОН ФАРХОДХОНОВИЧ**

**РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНОГО КАПИТАЛА  
В УПРАВЛЕНИИ И РАЦИОНАЛЬНОМ ИСПОЛЬЗОВАНИИ  
ПРИРОДНО-КЛИМАТИЧЕСКИМИ РЕСУРСАМИ  
В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

**08.00.04 – Экономика сельского хозяйства**

**ПРЕЗЕНТАЦИЯ  
автореферата доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

Ташкент – 2021

Презентация автореферата на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и информационную образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Нучный руководитель**

**Умурзаков Уктам Пардаевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальный оппоненты**

**Рустамова Ирода Бахрамжановна,**  
доктор экономических наук, доцент

**Таджиев Абдусаме Абдухамидович,**  
кандидат экономических наук

**Ведущая организация**

**Министерства сельского хозяйства  
Республики Узбекистан**

Защита состоится “ 17 ” 02 2021 года. в 14: 00 ч на заседание научного совета DSc. 03./30.01.2020.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации в механизации сельского хозяйства, по пресуждению ученых степеней доктора наук. Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кори-Ниязи, дом 39. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

С презентации автореферата можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер №     ). Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кори-Ниязи, дом 39. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Презентация автореферата разослан \_\_\_\_\_ 2021 года.

Протокол реестра №      от “      ” \_\_\_\_\_ 2021 года.



**Н.С.Хушматов,**  
Зам. председателя научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Б.Ф.Султанов,**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н..

**Н.С.Хушматов,**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
профессор

## ВВЕДЕНИЕ

**Актуальность и востребованность исследований.** В глобальном масштабе негативное воздействие природных и техногенных факторов на окружающую среду осложняет проблему продовольственной безопасности. В частности, это приводит к увеличению внутренней и международной миграции, в частности, в 2019 году 74,5% внутренней миграции в 145 странах и регионах мира были вызваны стихийными бедствиями, т.е. 24,9 миллиона человек по этой причине были вынуждены покинуть свои дома. Кроме того, за последние 40 лет было потеряно около 33 процентов пахотных земель на планете. Эти проблемы в первую очередь оказывают прямое негативное влияние на социальный статус бедного населения. Поэтому Генеральная Ассамблея ООН объявила 2021-2030 годы «Десятилетием восстановления экосистем» в целях повышения продовольственной безопасности и восстановления экосистем.

Антропогенные факторы являются одним из основных факторов глобального изменения климата, и, по оценкам международных экспертов, этот фактор затрагивает 120 миллионов человек на Земле, которые могут оказаться за чертой бедности. Эта проблема оказывает существенное влияние на устойчивое развитие аграрного сектора, который, в отличие от других секторов и отраслей реальной экономики, подвержен воздействию природных факторов и основан на земельных и водных ресурсах. Поэтому мировые ученые уделяют особое внимание изучению социально-экономических и экологических проблем, которые являются основной идеей сохранения общего богатства, во взаимосвязанном и системном подходе, а также влиянию глобального потепления или изменения климата на экологическую эффективность.

Меры, направленные на смягчение негативных последствий изменения климата в Республике Узбекистан, такие, как диверсификация сельскохозяйственных культур, использование ресурсосберегающих приемов и технологий, создание новых интенсивных садов на сложных мелиоративных территориях, комплексное использование экологически чистых методов защиты растений от вредителей и болезней, увеличивается. В основе национальной стратегии устойчивого развития лежит задача «улучшения предотвращения, адаптации и раннего предупреждения последствий изменения климата, распространения и наращивания потенциала». В этой связи, разработка научно и практически обоснованных предложений, и методических рекомендаций по оценке влияния социального и человеческого капитала на использование природно-климатических ресурсов в сельском хозяйстве, является одной из актуальных проблем.

Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года №УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики

